

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ -ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ
РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ГОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**Ҳамкорлик педагогикаси –
XXI аср таълим концепцияси**

**Республика илмий-амалий
конференция материаллари тўплами**

3-КИСМ

Гулистан 2017й.

ХОЗИРГИ ЗАМОН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛГОР УСУЛЛАРИ

Байдуллаев Абдурахман Серикович
Тошкент фармацевтика институти
“Физика, олий математика ва ахборот технологиялари”
кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунга келиб, фан-техниканинг ривожланиши билан инсон фаолияти чегараси ниҳоятда кенгайиб боряпти, янги технологиялар кириб келмокда. Сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, эндиликда янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас кисмига айланаб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, аудиовизуалли, аудиал воситалар хам мавжуд бўлиб, улар замонавий педагогик технологияларни реал воқеаликка айлантириди. Замонавий педагогик технология оғзаки ва ёзма нуткни ривожлантириши талаబетади.

Замонавий педагогик технологияда интерфаол усуллардан фойдаланиш ғояси асосий талаб хисобланади. Хозирги кунда 200 дан ортиқ интерфаол усуллар чоп этилган. Булар орасида кенг таркалганлари: “Аклий хужум”, “Мунозара”, “Кластер тузиш”, “Инсерт усулидан фойдаланиб ўкиш”, “Жуфтликларда” ва “Кичик гурухларда ишлаш”, “Жимжимадор арралаш”, “Биламан, билишни истайман, билдим”, “Эссе” ёзиш ва бошқалар.

Замонавий педагогик технология олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизими амалиётида куйидаги уч даражада қўлланилади: Умумий педагогик хусусий методик ва локал (модуль) даражада.

Педагогик технология ўкувчи-талабаларнинг ўрганиладиган соҳа бўйича билимларни эсга тушириш, фаоллаштириш янги билимни ўзлаштиришга асос бўлади, деб кўрсатади. Билимлар ва тайёргарликни аннеклаш талабани фаоллаштириши ва билим ўзлаштиришга ижобий мотивни келтириб чиқаради. Мавзуни ўрганишга киришинда эркин сухбат, мунозара, аклий хужум ва бошка шаклларда жонлантириш мумкин.

Педагогик технология - ўкув жараёнини технологиялаштириши бутунлигича аннекловчи тизимли категория, технологияларни барча, бошка тушунчаларини белгилаш учун, синоним сифатида- таълим технологияси, ўқитиш технологияси кабиларни ишлатиш мумкин. Педагогик технология таълим максадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қартилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириш тизими лойихасидир. Педагогик технология таълим жараёнинда талабаларни кизикиб ишланини, фикр юритишини, мустакил ишланини талаб этади. Замонавий педагогик технология талабаларда танқидий тафаккурни ўстиришини талаб этади. Танқидий тафаккур фикрлашнинг юкори боскичи бўлиб, хар бир нарса ёки ходисага шахсий муносабатни билдириб фикр юритишидир. Педагогик технология

98

мониторинги касбий таълим машгулотларида энг яхши натижага бераётган интерфаол ўқитиш методларидан бири “Устоз - шогирд” тизимидир. Бунда “Устоз” ўз билим тажрибаларини ўргатади ва “шогирд” уни ўзининг билими ва малакалари билан амалга оширади. Бунда ўкувчи назарий ва амалий билимларни тўла-тўқис ўрганади. Демак, ўкувчилар ДТС бўйича барча фанларга кўядиган мажбурий минимал талабларни бажара олади. Дарсларда назарий билимлар бериш ва уни мустахкамлашда куйидаги усуллардан фойдаланиш максадга мувофиқидир.

Замонавий педагогик технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимига солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситалар мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита ўйнунлигига максад, вазифа, фаолият ва педагогик натижага яхлитлиги таъминланади ҳамда ўкув максадларига эришишини кафолатлайдиган ўкув жараённи лойихалаштирилади ва амалга оширилади. [1]

Амалий касбий таълим жараёнинда педагогик технологияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш учун куйидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- ўкувчиларни амалий касбий таълим жараёнинда ўкишга ўргатиш;
- ўкувчиларнинг билимларни эгаллашни бевосита ишлаб чиқариш жараёнига кўчириш;
- таълим жараёнинда ўкувчиларни фаоллаштириш учун интерактив методлардан фойдаланиш;
- таълимни шундай ташкил этиш зарурки, машгулот охирида режалаштирилган максадга эришиш зарур.

Таълим-тарбия ишида куйидаги дарс усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин: эркин ёзиш; семантик хусусиятлар таҳлили; бир-биридан сўраш; “Зиг-заг” стратегияси; “Тўхтаб- тўхтаб” ўкиш стратегияси; “Инсерт” стратегияси; “Кубик” стратегияси. Бундай дарслар ўкувчиларда ўкиш, билим олишга бўлган кизикишларни ўйтади, мустакил ижодий изланишларни ривожлантиради, мустакил равиша эркин фикрлашларини кучайтиради. Энг муҳими дарс бу ўкувчига ривожлантирувчи таълим беришдан иборат. Бундай дарсни замонавий дарс деб хисоблаш мумкин. Замонавий дарсларда барча ўкувчи фаол катнашади. Бундай дарсларда дарсни ўкувчиларнинг ўзлари олиб боради, ўрганади. Ўқитувчи дарс жараёнининг иштироқчиси, бошқарувчиси вазифасини бажаради. Дарс самараси ва натижасини ўкувчиларнинг ўзлари баҳолайдилар. Ўқитувчи эса назоратчи ва бошқарувчилик вазифасини бажаради. Дарс самараси эса, унинг аниқ ва равшан ташкил этилишига boglik. Дарс учун ажратилган вактни 70 физизида ўкувчи, 30 физизида эса ўқитувчи ишлани керак. Ана шунга асосланаб дарснинг боришида унинг кайси элементлари ўқитувчи томонидан, кайси бир элементларини ўкувчиларнинг ўзлари мустакил холда бажаришлари аниқ кўрсатилади.

99